

ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛИНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ

БЕРДАҚ ХАЛҚ УЧУН

Игит бўлсанг арслон каби туғилган,
Хар доим сен қилган хизмат халқ учун.
Игит бўлса арслон каби туғилган,
Жонин фидо қилар фақат халқ учун.

Шу замон зулмига бўлиб қойил,
«Узим!» деб ишлаган — ақлга зойил,
Эл оралаб юрган саяё-у сойил,
Юмуш қилмас ҳеч қачон ҳам халқ учун.

Золимлар тингламас мўминнинг зорин,
Улар ўйлар ўз фойдасин, хуморин,
Ҳеч вақт ҳам золимлар қўлдаги борин
Сарф айламас чин юракдан халқ учун.

Мурода етарсан хизматлар этсанг,
Эл-халқнинг истаса, хайр тилаб кетсанг,
Хар қачон душманнинг бошига етсанг,
Аймагин хизматинини халқ учун.

Бердимурод, ўйлаб айтгин сўзингни,
Лоф уриб, кутарма кўруқ ўзингни,
Қизартмағай халқнинг сенинг юзингни,
Қўлдан келса хизмат айла халқ учун.

Игит одам саф олдига ўтади,
Айтган сўзин болдан ширин этади.
Битта гапни иқроор учун этади,
Шунга лойиқ хизмат қилар халқ учун.

Уйчил игит яхши ялдор бўлар,
Айтган хар гапини тафаккур қилар,
Ақсизнинг ҳосияти оз келар,
Ахлоқлар ҳеч хизмат қилмас халқ учун.

Оқил инсон сўз келтирмас ўзига,
Чўп ташламас севар ёрин кўзига,
Боқмас номахрамнинг асло юзига,
Шундай одам хизмат қилар халқ учун.

Яхши одам нормас фосиқ сўзига,
Берилайди бир бошининг ҳазига,
Ҳайрат бериб ўзгунча улуғ,
Хизмат қилар мўдом халқ учун.

Яхшининг уйиса одам кўп келар,
Эмон одам ич-кўзини еб келар,
Тил учидо «ога-ога» деб келар,
Хосияти бўлмас анинг халқ учун.

Яхши одам душманларин кулдириб,
Қўлдан келса, сира даврон сурдириб,
Бўри оригини ҳеч вақт билдириб,
Шундай игит жонин кўрбон халқ учун.

Дўстлик билан хар бир ишга тахт турсанг,
Жон аймай эл-юрт учун иш қилсанг,
Қайгулаимай улуғ ишга қўл урсанг,
Шунда менинг кўнглим ўсар халқ учун.

Кўч, йигитга мадад берса элати,
Кўн-қундан ортади аниқ қувати,
Тилларда қолди йигитлик оти,
Холис хизмат қилса азар халқ учун.

Бу замонда жабру жафо чекарман,
Қора кўздан қонли ёшлар тўқарман,
Золимларнинг зулмин кўрсам сўқарман,
Куйеимдан жоним очиб халқ учун.

Бўлмади бир дархон манзил-мақолим,
Захар-зақум бўлди ичган-еганим,
Айтсам ҳам келмади менинг деганим,
Кўнглимни юпатиб фақат халқ учун.

Оллоҳ қувват бергай нозик белларга,
Маусум берай очилган тар суларга,
Иқбо келармикин бизнинг эларга?
Улуғча айтармикин шун халқ учун!

Ажал етиб, ўлсам бир кун ўзим,
Таъриф бўлиб, орто қолади сўзим,
Кўрди не замонини тирикда кўзим,
Фарқин билган хизмат қилар халқ учун.

Бердимурод, тинглаб сўзингни кўрсин,
Юрган сўзмигда изинги кўрсин,
Қайгу чекмай фариларга кўл берсин,
Шунда иш қиларсан мўминлар учун.

Қайғуда кўрганда дўстнинг назарин,
Қўлдан келса, кўрсин шодлик бозорин,
Утказмасин дўстга гапини озорин,
Дўстлар хизмат қилар ёрон учун.

Кўшинини ёмонлар ёндан кўчирар,
Ўзи ўйлаб кўйган оғини ичарар,
Яхши одам гуноҳ бўлса кечирар,
Шунда кўнгли ривож топар халқ учун.

Эмон одам билмас сўзининг фарқини,
Ҳайбат қилиб юрар дўсту халқини,
Чикармас деб бир ўзининг доғини,
Хар бир ишда зиён қилар халқ учун.

Яхши одам сўз маънисин англайди,
Эмон одам фикру фужур тинглайди,
Айтган билан насихатини олмайдди,
Кўнглим менинг айрон бўлар шул учун.

Душманлик ишдан йўқдир наф, маъно,
Аҳил, ҳамдам бўлган баридан аъло,
Еши улуғлардан олинлар дуо,
Фойдаси тегади шунинг халқ учун.

Йигитнинг бир номин айла чикарар,
Эмони йўлсиз — йигит не қилар?
Эмон ярим йўлда сирин олдиарар,
Уларнинг кераги бўлмас халқ учун.

Эмондан туғилган отага тортар,
Кўн-қундан калозблик ҳуяри ортар,
Халққа ёқмас касофатли йўл тутар,
Ундайлардан наф келмайдди халқ учун.



Бердимурод, рост айт, сўзлама ёгон,
Бу дунё узоқ йўл, отандан қолаган,
Хор бўлмас яхшининг сўзини олган,
Хайру хизмат айлар доим халқ учун.

Уйлабсам, сўз келар изма-из қатор,
Буни оқил олиб олади тезкор,
Яхшидан чиққан сўз йўқоқмас шикор,
Шод бўлади кўнглим доим шул учун.

Шоир эдим, кўзим кўрганни ёдим,
Кўнглим билиб-англаб, сезганин ёдим,
Замон ҳасратидан сарғайдим, оздим,
Бўларми деб ёруғ кўнлар халқ учун!

Номим Бердимурод, мен Хақнинг қули,
Саҳрода сайраган шайдо бўлабули,
Ун гулдан очилмади бир гули,
Ниятича етолмади халқ учун.

1. Кўч — «кўчқор» сўзидан олинган бўлиб, кўчга тўлаб келатган йигитларга ижобий эпитет (сифат) ўрнида ишлатилади.



Нукуста ташриф буюрган меҳмонлар унинг қоқ марказида қад кўтарган Бердақнинг музаам ҳайкалига маҳлл бўлмасдан иложи йўқ. Шоир таввалуддиннинг 170 йиллиги кўнарида эса бу шаҳарда бунёд этилган унинг Уй-музейи элга ва меҳмонларга ўз эшигини очди. Булар — Оролбўйи аҳлининг ўз шоирига чексиз эътиромни рамазларидир. Шундай бўлиши ҳам табиий. Негаки, хар бир халқ орасидан етишиб чиққан улуғ инсонлар шу халқнинг буйини баланд қилиб, дунёга кўрсатади. Бердақ — қорақалпоқ халқининг шўҳратини таъминлаган ана шундай сиймолардан биридир.

Тошиб оқувчи Амударё ўзани тез-тез ўзгариб туради. Тунган дарё баҳор кезлари эриганда музлар тоғ-тоғ бўлиб уюлади-ю, шу жойдан тошув кечади... Буни кўриб соҳилнинг баланд дўнглигида ўтирган болақайнинг хаёли ҳам парвозлангандай бўлади-да, ўрнидан даст иргиб туради. Қаердандир беовоз келган шамол унтурдан гувиллаб чиқади, бўз-кўнгир тупроқни чангитади, илдиларга қўшиб шувуқларни кўкка кўтарали. Кўз очиб мушкул бўлиб қолганини сезган болақай қўлидаги таёгини елкасига ташлаганча уйга равона бўлади.

Бу бола — Бердимурод, бўлажак шоир. Онанзори эр-калаб, сууб айтган Бердақ исми билан аввал овулда, кейин қишлоқда, кўп ўтмай бутун Қорақалпоқ дегирда, бора-бора буткул Туркистон ва ундан олсис ўлкаларда машҳур бўлади.

Мўйноқнинг Оққалъасида туғилган Бердимуроднинг шеърларини юз-юз минглаб китобхонлар ўз қалблари, орзу-умидлари, соғинч ва севинчларидек эъозлайдилар.

Бердақ ўз ҳаёти ва ижодининг буткул мақсади ва мазмунини халққа хизмат этиши, унинг оғирини енгил қилиши, доимо у билан бир жон — бир тан бўлишда деб билди. Мана шу фазилатнинг ўзбек унинг ижодининг абадийлиги-

ни белгилаб беради ва асарларини барча замонлар учун замонавий қилади. Шоир ўзининг курашчан гоёлари билан бутун ҳам янги бунёдкорликларни амалга ошираётганлар билан бир сафда, ҳатто уларнинг пешкадамлари қаторида турибди.

Шу қалар теранки, улар гузал ва таъсирчанлиги билан ўқувчи тафаккурида, қалбида муҳрланиб қолади. Масалан, «Бу йил» шеърда ҳаётдаги қийинчиликлар, қишда озиқ-овқатсиз қолингани, шунга қарамай, солиқлар солингани, бир лўкма эмак учун ҳатто қийим-

ралари ва бошқа кўпдан-кўп хусусиятлар ўзининг ёрқин, теран ва ранг-баранг бадиий ифодасини топади. Бундай мукамаллик хар бир халқ, хар бир миллатнинг энг буюк санъаткоригагина насиб этган. Шунинг учун ҳам шоир ҳаёт чоғидаёқ халқнинг дили ва

бешлар сотилгани ҳақида гапира туриб, шоир «Бойлоқми турдик қозқисиз» деган зўр образли бадиий фикрни ишлатди. Бундай образли фикрлар шоир ижодий услуби учун ниҳоятда хос бўлиб, унинг аксар асарларини беэаб туради.

Бердақнинг шундай шеърлари борки, улар барча замонлар учун бирдай қадри бўла олади ва ҳеч қачон қийматини йўқотмайди. Улар келажакка, халқига, хар бир ватандошига йўллаган чорловномадек жаранглаб туради.

Шунга эътибор бермоқ керакки, унинг асарларида қорақалпоқнинг турмуш тарзи, урф-одати, характери, руҳияти, тарихи, тили, миллий табиий фаққури, анъаналари, орзу-умидлари, жугрофияси, давлатчилигининг шаклланиш қир-

гани сифатида кўрсатиш ҳукм сурди. Энди шоир ижодига бир ёқлама ёндашиш ва талқин қилишга барҳам бериш керак. Айни вақтда Бердақ асарларида дин ниқоби остида мунофиқлик қилувчиларнинг фош этилганини ҳам руй-рост айтмоғимиз лозим.

Бердақ худди шу даврда, яъни XIX асрнинг охирида ёзган бир қатор шеърларида янгича савод чикариш зарурлиги ҳақидаги фикрларини илгари суради. Бу эҳтимом тасодифий мос тушувири. Эҳтимол, тасодифий бўлмай, савод чикаришда ислохотни амалга ошириш зарурлиги ҳақида бу даврда Туркистонда оралаб юрган илгор фикр Бердаққа ҳам қайсидир бир йўллар билан етиб борган бўлиши ҳам мумкин. Хар қалай, маърифатпарварлик Бердақ ижодининг улуғ гоёларидан биридир.

Хуллас «Ҳақ, қалбимга ҳақиқатнинг нури бер» деб тавалло этган шоир Бердақ Қарғабой ўғлининг ижоди яшил бир бог сифатида авлодларга қолдирилган бебаҳо меросдир.

Бахтиёр НАЗАРОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.

Гулчоҳра СУЛАЙМОНОВА, Тожикистон.

ЗАМОНЛАРГА ХАМНАФАС СЎЗ

Бердақда халқчиллик, халқпарварлик гоёлари шунчаки қайд, эътироф, даъват, ёхуд риторикадан иборат эмас. Халқчиллик гоёси унинг асарларида кураш, ҳақиқатдан тоймаслик, ёвулар олдига буйин эмаслик, керак бўлса, бу йўлда жонини фидо қилишдан ҳам қайтмаслик сингари мақсадлар билан тўйингандир. Лекин бу қалар филоий, халқпарвар, адолатпеша, эл-юрт учун жонкуяр ва садоқатли йўллаган чорловномадек жаранглаб туради. Шунга эътибор бермоқ керакки, унинг асарларида қорақалпоқнинг турмуш тарзи, урф-одати, характери, руҳияти, тарихи, тили, миллий табиий фаққури, анъаналари, орзу-умидлари, жугрофияси, давлатчилигининг шаклланиш қир-

ЯНГИ ИЛНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
ХУРМАТЛИ ЮРТИДОШЛАР!

"ЎЗМЕВАСАБЗАВОПЛУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ" компаниясига қарашли
"ШЕХРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ" АКЦИЯБОРЛИК ЖАМИАТИНИ

жамоаси Ўзбекистон Республикаси халқини кириб келатган

Янги 1999 йил

Билан кўтлайди.

Янги йил билан биргаликда хар бир юртидошлигининг оиласига бахт-саодат,
тинчлик ва осойишталик кириб келсин!

Янги йил йтаётган йилмиздан ҳам шуварфақиятли ва қувончларга бой бўлсин.
Мамлакатимизда соҳанимизга берилаётган амалий ёрдамлар,
кўмак ва қамқўриликлар ўз самарасини беришда.

Акциялар жойлаштирилишидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан жамиятимизда қайта
жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда.

Халқимизни янги йил айёли билан таъриklar эканлиги,
байрами мўносибати билан 1 январьга барча маҳсулотларини
10% арзонлаштирилган нархларда
сотишини маълум қиламиз.

"Шахрисабз Вино-ароқ" акцияборлик жамияти жамоаси.

